

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ**

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУХАНДИСЛИК
ГРАФИКАСИ кафедраси доценти Пулатов
Дилмуроднинг**

НАМАНГАН БАДИЙ ГАЛЕРЕЯСИ мавзусидаги

ИЛМИЙ МАҚОЛАСИ

НАМАНГАН-2018

Наманган Вилоятида ҳар йили гуллар байрами ўтказиб келинади. Бу йилги байрам ҳар галгидан ҳам кўтаринки, юқори савияда бўлиб ўтди. Баҳорий гулларга буркалган боғ ва сайилгоҳлар, шаҳар кўчалари, ижтимоий-маиший ва маъмурий бинолар атрофи ҳам ранг-баранг гуллар бағрида янада мафтункор қиёфа кашф этди. Наманган аҳлининг она-юртга бўлган меҳрифтхори, нафосат ва гўзалликка самимий муносабати байрам шукуҳида яққол намоён бўлди.

Гуллар байрами чоғида Ўзбекистон Бадий Академияси, Бадий ижодкорлар уюшмаси, Наманган вилоят бўлими тасарруфида “Бадий галерея”нинг очилиши тўйга тўёна бўлди. Наманган шаҳрида ободонлаштириш ишлари жадал бораётган, замонавий ландшафт дизайни асосида бинолар қад кўтараётган Уйчи кўчасида жорий йилнинг 28-май куни Бадий галерея тантанали равишда очилди.

Шаҳарнинг XX аср бошларида қурилган ва туристик муҳитга хос тарихий биноти замон талаблари асосида таъмирланиб, жиҳозланди ва Бадий галерея ихтиёрига топширилди. Ҳозирга қадар эътибор талаб ҳолида бўлган, аслида эса мафтункор ва кўҳна мазкур тарихий бино пишган ғишдан марказий гумбазли тарзда қурилган бўлиб, фазовий кенглиги, ички тузилишининг яхлит катта залдан иборатлиги кўргазма экспонатларини намойиш этишга мосдир. Бино фасади ҳам ўзига хос миллий меъморий ечимга эга. Бино қаршисидаги спорт мажмуаси ва мусиқали фаввора ҳамоханглигида галерея яхлит композицион мажмуа касб этади.

Бадий галереянинг очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров, Ўзбекистон Бадий Академияси раиси Акмал Нуриддинов, Республикаимизнинг таниқли рассомлари, шунингдек, вилоят ижодкорлари, Андижон, Қўқон шаҳридан келган таниқли мусаввирлар, санъат ихлосмандлари, ёш ижодкорлар ҳамда талаба ва ўқувчилар иштирок этдилар. Вилоят ҳокими очилишда сўзлаган табрик нутқида ушбу галереяни очилиши вилоятнинг маънавий-маданий ҳаётида катта тарихий воқеа ўлароқ, рассомларимиз фаолиятини халқимизга кўрсатишда муҳим аҳамият касб этиши, шунингдек, уларни янги ижодий изланишлар сари дадил боришида ўрни катта эканлигини эътироф этди.

Мазкур галереянинг ташкил этилиши ҳамда унинг биринчи бадий кўргазмаси юзасидан иштирокчи ва меҳмонлар ўз фикр-мулоҳазаларни билдирдилар:

АКМАЛ НУРИДДИНОВ (ЎзБА раиси, Ўзбекистон Халқ рассоми)

Наман вилоятида Бадий галереянинг очилиши – маданий ҳаётдаги катта ўзгаришни белгиси ҳисобланади. Галерея очилишининг негизида

маънавият ва маданият туради. Наманган шаҳрида шундай ўзига хос катта тарихий бинода Ўзбекистон Бадий Академияси, Бадий ижодкорлар уюшмасининг Наманган вилояти бўлими тасарруфида Бадий галереяни очилишида вилоят раҳбариятининг санъат ва маданиятга, маънавиятни ривожлантиришга бўлган эътибори, ижобий ёндошувининг самараси дейиш мумкин. Шу муносабат билан вилоят ҳокими Хайрулло Хайитбоевичга шахсан миннатдорлик билдирган бўлардим. Чунки, галерея очиш шунчаки оддий ҳол эмас, уни ўзига хос талаблари ва ташкилиш масалалари мавжуд. Шу талабларга мос равишда бинони таъмирлаш ва уни керакли жиҳозлар билан таъминлашга ижобий ёндошиб, галерея талабларига жавоб берадиган муҳитни таъминлаб берди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, галереянинг очилиши вилоятда ҳар йили ўтказиладиган гуллар байрами кунларига тўғри келди. Шу сабабли буни қўшалок байрам дейиш ҳам мумкин. Гуллар байрамининг даражаси ҳам жуда юқори, мен яқин қирк йиллар мобайнида бу каби кўтаринки руҳда ўтказилган гуллар байрамини кўрмаган эдим. Шундан келиб чиқиб айтмоқчиманки, вилоят раҳбариятининг маънавиятга, маданиятга, гўзалликка бўлган ижобий муносабати жуда юқори. Мазкур галереяда келгусида Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолари, академиклар ва кўплаб рассомларимиз катта-катта кўргазмалар намоиш этишади. Ушбу кўргазмалар ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиясига ижобий таъсир ўтказади, деб ўйлайман. Мазкур галерея нафақат вилоят рассомларини, балки Фарғона водийсида ижод қилаётган мусаввирларни ўзаро бириктирувчи ижодий мулоқат маркази сифатида хизмат қилади.

Бадий академия раиси Акмал Нур маросим якунида рассомлар билан давра суҳбати ўтказиб, галерея фаолиятини ривожлантириш юзасидан таклифлар берди. Жумладан, галереяда мунтазам равишда турли кўргазмалар ташкил этиб бориш, бинода бадий салон фаолиятини йўлга қўйиш, доимий ижодий тадбирлар ўтказиш, олий ўқув юртларидаги ижодий кафедралар битирувчиларининг диплом ҳимояларини ўтказиш, ёш мусаввирларни тарбиялаш мақсадида галерея қошида турли тўғараклар очиш каби таклифлар бериб, моҳиятини таҳлил қилди.

ОРИҒАЛИ ҚОЗОҚОВ (Ўзбекистон санъат арбоби, рассом)

Галерея очилишида намоиш этилаётган кўргазмага Наманганлик ижодкорларнинг турли қатламлари, яъни катта авлод рассомларидан тортиб, ёш ижодкорлар асарлари қўйилган. Бу асарларнинг барчасига хос яхлит бирлик шундан иборатки, санъаткорларга бой ушбу замин ижодкорлари ўз асарларида Наманганнинг ўзига хос табиатини акс эттирувчи манзаралари билан бирга, портрет ёки натюрморт жанрлари ҳамда ҳайкалтарошлик, кулолчилик, каштачилик, наққошлик намуналарида миллий анъаналар

сезилиб туради. Бу асарлар қайси жанрда, қайси санъат турида намоён бўлишидан қатъий назар, уларни ҳар бирида мусаввирларнинг ўзига хос ижодий олами мавжуд эканлигини кўринади. Намойиш этилаётган картиналарда бир неча йиллардан буён анъана шаклида келаётган йўналишларни кўришимиз мумкин.

Галереянинг очилиши маҳоратли ижодкорларни етиштириб берган ушбу замин учун тўйга тўёнадек ярашиб турибди. Агар жаҳоннинг қайси мамлакатларига борсак, ўша миллатни маданий цивилизация белгиларини айнан галереялар, кўргазма заллари ва музейлари ташкил этишига гувоҳ бўламиз. Галерея очилишидан сўнг, Наманганга бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар ушбу асарларни тамоша қилса, дунё рассомлари ижодидан қолишмаслигини англайдилар. Бундан ташқари, пойтахтга бориб таниқли рассомлар ижодидан баҳраманд бўлишга улгурмаётган Намангандаги ёш мусаввирлар ҳам эндиликда, шу галереяда ташкил этиладиган Республикамизнинг маҳоратли рассомлари асарларини кўриш имкониятига эга бўладилар. Бу галереяни очилиши вилоятда маънавият ва маданият соҳасида қилинаётган ишларнинг самараси ҳисобланади.

ЛУТФУЛЛО МАҲМУД

(Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир ва драматург)

Мендан аввал эътироф этишдики, Бадий галереянинг очилиши вилоят рассомлари ҳаётида улкан янгилик бўлди. Маълумки, айти пайтда Республикамизда туристик марказларни ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда, ушбу галереяни очилиши Наманган вилоятида ҳам яна бир туристик маскан юзага келганлигини англатади. Бундан буён Наманган шаҳридаги моҳир ижодкорларнинг наққошлик, кулолчилик ва шу каби бошқа халқ санъати намуналари билан галереяни янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир.

БАДРИДДИН ОРИПОВ

(педагогика фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Тўрон фанлар академияси академиги)

Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига Наманганлик рассомлар ижоди ҳам муносиб ўрин тутади. Жумладан, Наманганда туғилиб ўсган Баҳтиёр Назаров, Акмал Нуриддинов, Ортиғали Қоғоқов каби рангтасвир усталари фаолияти бунинг ёрқин далилидир. Бадий галереянинг очилиш маросимида намоёиш этилган кўргазмада номлари қайд этилган рассомларнинг сара асарлари билан бирга, Наманганлик Пўлат Жалилов, Эркин Азизов, Ҳайдарали Усмонов, Иброҳим Валихўжаев, Равшан Юлдашев, Комилжон Қамбаров, Маҳмуджон Раҳмонбердиев, Набижон Орзимов ҳамда ёш мўйқалам соҳибларининг ижодий ишлари тақдим этилди. Галерея ўзининг

кейинги фаолияти давомида вилоятда тасвирий санъатни янада равақат топишига хизмат қилади, деб умид қиламан.

АЛИЖОН ТУРДАЛИЕВ (педагогика фанлари номзоди, доцент)

Наманган бадиий галереясининг очилиши Мустақил Ўзбекистоннинг 25 йиллик тўйига муносиб туҳфа сифатида Наманган маданияти ва санъати тарихида янги саҳифа очди. Унинг равақи йўлида жуда улкан юксалиш ҳисобланади. Галерея кўргазмасининг асосий жиҳати ва фахрланарли томони шундаки, намоёиш этилаётган асарлар муаллифлари, айнан Наманганлик санъаткорлардир. Гарчанд, уларнинг энг машҳурлари пойтахтда яшаб ижод қилсаларда, туғилган юртлири учун туҳфа сифатида ўз асарларини олиб келганлар. Болалик ва ёшлик чоғларида илм ва ҳунар излаб, пойтахтга интилиб, ҳозирда элга танилган, ўзларининг юқори ижодий сарҳадларини топган, машҳур санъаткорларга айланган чоғларида ўз юрти аҳлига чин дилдан қайишиб, кўргазмага улуғ тароват бахш этдилар.

Галерея нафақат кўргазмалар ташкиллайди, балки, бебаҳо ноёб санъат асарларини коллекция сифатида жамлайди. Келгусида бу санъат маскани бадиий таълим бериш машғулотири ўтказиш, таниқли ва машҳур санъат арбобари билан учрашувлар ташкиллаштириш, студия, тўғарак, сексиялар ташкиллаш кўзда тутилади. Галерея фақат тажрибали рассомларнигина эмас, балки, ёш болалар, мактаб ўқувчилари, ихтисослашган мактаб ўқувчилари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, олийгоҳ талабаларининг ўқув амалиёт ишлари тақдимоти, диплом ҳимоялари, шунингдек, бадиий таълимга оид назарий маърузаларни ташкиллаш имкониятини ҳам беради.

Кўргазмага қўйилган асарлар ҳали Наманган тасвирий санъати ютуқларини тўлалигича намоён эта олмайди албатта, бу дастлабки тамал тошидир. Ноёб ва ўзига хос мукамал санъат асарлари галереяга энди кела бошлайди. Ишонамизки, келажакда галерея фонди маҳаллий муаллифларнинг янгидан-янги сара асарлари билан бойиб боради.

Дарҳақиқат, маросим иштирокчилари ва меҳмонлар эътироф этганидек, Наманган шаҳрида Бадиий галерея ўз фаолиятини бошлаётгани вилоятнинг маънавий-маданий ҳаётидаги катта воқеадир. Бу маскан рассомлар фаолиятига самарали таъсир этиб, уларни янги ижодий кашфиётлар сари илҳомлантиради. Шунингдек, касб сирларини ўрганаётган ҳаваскор ёшларни ҳам маҳорат майдони сари етаклайди. Галерея очилиши муносабати билан ташкил этилган кўргазма намоёиши соҳа ихлосмандларига манзур бўлди. Кўргазмада Республикамизнинг таниқли рассомларини сара асарлари намоёиш этилди. Агар кўргазма экспонатларини туркумлаштирадиган бўлсак: тасвирий санъатнинг рангтасвир ва ҳайкалтарошлик; амалий

санъатнинг каштачилик, наққошлик, кулолчилик, майда пластика ҳамда миниатюралардан ташкил топганлиги кузатилади.

Булар орасида рангтасвир асарлари етакчилик қилиши билан бирга, вилоят ижодкорлари учун ижодий янгилик бўлган замонавий янги услублар ва бадиий ёндошувлар кўламининг кенглиги билан ҳам ажралиб туради. Масалан, Акмал Нурнинг “Руҳиятнинг янги мусиқаси” (2015 й), “Сирли учрашув” (2015 й), “Умид фариштаси” (2015 й) каби замонавий йўналишда талқин этилган картиналари намошабинлар эътиборини қозонди. Мазкур картиналарда рассом инсон жисмини ўзига хос бадиий-пластик шаклларда кўрсатиш билан чекланмай, балки образларнинг маънавий оламини, руҳий фазилатини ҳам теранроқ очишга интилиши сезилади. Рассом ўз фикрини баён этишда ижодий дасхатининг аҳамияти каттадир, шакл ва ранг вобасталиги, мўтадил колорити ҳамда руҳиятни нозик туйғуларини тебратиш кучига эгалиги эътиборлидир.

Ортиғали Қозоқовнинг “Ранглар ракси” (2009 й), “Сулола” (2009 й), “Висол карвони” (2009 й) каби асарлари ҳам муҳлисларга манзур бўлди. Айниқса, “Сулола” номли картинасида Наманган атласини шарафлаб, миллий-азалий қадриятлар улуғланиши яққол кўзга ташланади. Даврлар оша авлоддан авлодга ўтиб келаётган атлас ишлаб чиқариш ҳунарининг ижодий анъаналари даврий кетма-кетликда очиб берилган. Шунингдек, халқ маросимларида кийиладиган бежирим атлас либосларига миллий қадрият ва урф-одат сифатида юксак ҳурмат билан қаралганлиги сезилиб туради.

Шунингдек кўргазмада Баҳтиёр Назаровнинг “Фасл туркумидан Баҳор” (2016 й), “Фасл туркумидан куз” (2016 й), “Сирень” (2014 й), Журат Раҳмоновнинг “Тоғда Баҳор” (2010 й), “Октошда куз” (1998 й), “Қизил фондаги гуллар” (2002 й), Пўлат Жалиловнинг “Наврўз” (2002 й), “Баҳор байрами”, Эркин Азизовнинг “Тоғдаги сой”, “Чодак”, “Аёл портрети”, Иброҳим Валихўжаевнинг “Мирак” (2016 й), Х.Юлдашевнинг “Шарк келини” (2016 й), “Мовий ваза” (2016 й) Равшан Юлдашевнинг “Чодак”, Ҳайдарали Усмоновнинг “Сой”, “Ғова сой”, Комилжон Қамбаровнинг “Эшик очаётган фаришта” (2016 й), “Муҳаббат афсонаси” (2016 й), “Илтижо” (2016 й), Аҳадхон Дадабоевнинг “Эски кўча”, “Чинорлар”, “Эски тегирмон”, Муҳаммаджон Тожимирзаевнинг “Соҳил” (2015 й), “Сой” (2015 й), Д.Вахобовнинг “Май гуллари”, “Ёрқин қизил настарин”, М.Аҳмедовнинг “Ёз” (2017 й), “Давонда” (2017 й), Алишер Умирзақовнинг “Баҳор” (2016 й), Фарход Сатторовнинг “Кўприк”, “Муҳаммад Юсуф портрети” (2016 й), “Тоғ манзараси” (2014 й) каби рангтасвир асарлари намоёиш этилди.

Кўргазмага тасвирий санъатнинг ҳайкалтарошлик тури бўйича Илҳом Жабборовнинг “Аёл портрети”, “Абдулҳақ Абдуллаев портрети”,

“Бозордан”, Маҳмуджон Раҳмонбердиевнинг “Менинг онам”, Набижон Орзимовнинг “Ибрат”, “Алишер Навоий”, “Ракс”, “Куйчи”, “Аёл боши”, “Савдойи машшоқ” каби ҳайкаллари қўйилди.

Кўргазма эскпонатлари орасида амалий санъат буюмлари туркуми ҳам ўрин олган. Жумладан, Рустам Абдурахмоновнинг “Бадий кулолчилик тўплами”, Бегзод Раҳматовнинг “Лаган (чинни буюмлар тўплами)”, Шерали Шаходуллаевнинг “Чавгон” (2017 й), “Қуш ови”, “Овчи” номли миниатюралар тўплами ҳамда Наманган Миллий хунармандчилик ва хизмат кўрсатиш касб хунар коллежи ўқувчиларининг “Хонтахта ва курсилар тўплами” сингари амалий санъат ва халқ хунармандчилиги намуналари тақдим этилди.

Галереянинг кейинги фаолияти давомида ёш авлод тарбиясига дахлдор Ўзбекистон халқ рассомлари, Бадий Академия академикларининг кўргазмаларини уюштириб бориш, бунинг пировардида эса намуна “кўзгусини” яратиш ҳамда вилоят рассомларининг фаол ижодий марказини шакллантириш галдаги вазифалар сирасига киради. Бу каби ишларни амалга оширишда эса галерея очилишида кўзланган янги мақсадлар – бинода қўшимча қурилиш ишларини бажарилиши имкониятни янада кенгайтиради. Ўйлаймизки, бу маскан Наманган санъати ва маданиятининг равнақи йўлида узок йиллар хизмат қилиб, нодир санъат асарларини жамловчи бадий-ижодий марказ сифатида из қолдиради.